

Бугунги сонда:

АЁЛЛАРНИНГ БАРНОСИ,
РАИСЛАРНИНГ АЪЛОСИ



2

Такрорий
экин:

ЭЛГА ҲАМ, ЕРГА ҲАМ ФОЙДА



3

КИЧКИНА
МАЛИКА

4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
4 июль
ШАНБА
№ 45 (13306)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:



Шу сонга
хушхабар

Вилоятимиз
Ғаллакорлари
давлатга дон сотиш
шартномавий ре-
жасини бажаришди.

Жорий йилда вилоят бўй-
ча давлатга 350 минг 148 тон-
на, шундан 320 минг 323 тонна
товар дон, 29 минг 425 тонна
уруғлик дон топшириш режа

қилинган эди. Мавсум бо-
шдан 2 минг 697 та фермер
хўжаликлари томонидан 116
минг 100 гектар сувли майдон-
ларда ғалла парваришланиб,

давлат оморларига 350 минг
тоннадан ортиқ сифатли дон
етказиб берилди. Шартнома
шартларини 103 фойизга бажар-
ишга эришилди.

ЭЛ-ЮРТ ХИРМОНИГА БАРАКАЛИ ҲИССА



Ғалла ўрими отряд усули-
да ташкил этилиб, 365 та ўрим
комбайнлари (шундан 47 таси
2020 йилда лизинг асосида
сотиб олинган) жалб қилинди.
Шартнома режасининг қисқа
кунларда ортиги билан бажари-
лишида Ўрта Чирчиқ, Юқори
Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Тошкент
туманларининг деҳқон ва фер-
мер хўжаликлари алоҳида
жонбозлик кўрсатишди.

Айниқса, режани 105 фой-
изга бажарган Ўрта Чирчиқ
тумани миришкорларидан
Шаҳзода Шоохунова раҳбар-

лигидаги "Шеразиз Мухаммад
агро" фермер хўжалиги дав-
латга дон сотиш режасини
ортиги билан бажариб, 230
тонна ҳосилни оморларга ет-
казиб берди.

Оққўрғон туманида ҳам
жорий йилда 10 минг 600 гек-
тар майдонда бошоқли дон
парвариш қилинди. Ҳосилни
белгиланган муддатда йғиб
олиш учун ташкил этилган
27 та отряд 29 минг тонна-
дан зиёд ғаллани нест-нобуд
қилмасдан, хирмонга етказиб
берди.

Пресс-тур



Кўрган бошқа, Эшитган бошқа

Бўстонлик туманида ноқонуний қу-
рилган дала ховлилар юзасидан
журналист ва блогерлар учун пресс-тур
ташкил этилди. Унда, шунингдек, вилоят
масъул идораларининг раҳбарлари
ҳам иштирок этишди.

Маълумки, Бўстонлик вилоятимизнинг энг сў-
лим, хушманзара ва ҳавоси тоза худуди ҳисоб-
ланади. Шунинг билан ҳамда туманда ноқонуний
қурилишлар қилиб,
хусусий дачалар
қуриб олиш оддий
ҳолга айланиб қол-
ган.

«Бўстонлик ту-
манини комплекс
ижтимоий-иқтисо-
дий ривожланти-
риш, мавжуд му-
аммоларни тезкор
бартараф этиш
бўйича Республи-
ка ишчи гуруҳи то-
монидан амалга
оширилмаган чо-
ра-тадбирлар тўғри-
сида»ги Вазирлар
Маҳкамаси баёнида
кўрсатилишича, ту-
манда ўтказилган
хатлов жараёнида
жами 338 та турар
ва нотурар бино эга-
ларига амалдаги уй-
жой, ер қонунийлиги
талаблари тушу-
нтирилиб, барчасига
ноқонуний қурилма-
ларни ихтиёрий бар-
тараф этиш бўйича
огоҳлантиришлар
берилган.



2

МАҲСУЛОТ Экспорт

ЎЗИМИЗДАН



Ўрта Чирчиқ ту-
манидаги "Sanfa
products" масъулияти
чекланган жамияти 2009
йилда ташкил топган.
Айни пайтда корхонада
мамлакатимиз иқтисо-
ди учун жуда муҳим бўл-
ган ва импорт ўрнини
босувчи линолеум пол
қопламасининг кўплаб
турлари ишлаб чиқарил-
моқда. Тайёр маҳсулот
Россия ва Озарбайжонга
экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, корхонадаги цехда пандемия
шароитида худуддаги 7 нафар хотин-қизни
иш билан таъминлаб, юртимиздаги меҳмон-
хона ва хостеллар учун маҳаллийлаштирил-

ган синтетфон маҳсулотидан ёстиқ ҳамда кўр-
па-тушаклар тикилиб, етказиб берилмоқда.
Бундан ташқари, худуддаги 15 нафар
ёшлар иштирокида корхона таркибидаги яна

бир цехда қурилишда кенг ишлатиладиган
мармар тошларни қайта ишлаб чиқариш ҳам
йўлга қўйилган.

Ўз мухбиримиз

Муносабат
Камбағаллик
айб
эмас,
ЛЕКИН...

"Бу синовли
даврдан рақамлар
ортидан қувиш
эмас, балки халқ-
ни рози қилиш
учун чин кўнги-
дан ишлаш керак".



Бугунги кунда
Тошкент вилоятида
40 минг 474 та кам таъ-
минланган ва эҳтиёж-
манд оила мавжуд.

2

Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ туманининг маркази Кел-
лес шаҳрида Аҳоли бандлигига
кўмаклашиш маркази биноси қад ростлади.
Келес йўли кўчасида эса "Anglesey food" хори-
жий қўшма корхонаси томонидан бунёд этилаётган
"Kozinka.uz" савдо ва кўнгилонар марказининг қу-
рилиши жадал давом этмоқда. Ҳозир бу ерда худ-
удни ободонлаштириш ишлари олиб борилаёпти.
Яқинда икки қаватли собиқ суд биноси 12-сон-
ли мактабгача таълим муассасаси тасарруфига
ўтказилиб, 480 нафар болажонларни ўз бағрига
олиш учун мукамал таъмирланди.

ОЛМАЛИК шаҳрида ижти-
моий-маънавий муҳит-
ни янада яхшилаш юзасидан
биринчи ярим йилликда бажар-
илган ишлар сарҳисоби ҳамда
иккинчи ярим йилликда амалга
оширилмаган вазифалар юза-
сидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда кун тартибидagi
масалалар юзасидан тегишли
масъулларга кўрсатма ва топ-
шириқлар берилди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ҳокимли-
гида махсус штаб аъзо-
ларининг мулоқоти бўлиб ўтди.
Жорий йилнинг 20 июни-
дан шаҳар "қизил" тоифадаги
худудга киритилганлиги са-
бабли карантин қоидалари
кучайтирилгани, қўшни худ-
уд чегараларида блок пост-
лар ўрнатилиб, ИИБ ҳамда
ДСЭНМ ходимлари томони-
дан туну-кун навбатчилик
йўлга қўйилгани ҳақида сўз
қилиниб, уларнинг иш самара-
дорлигини ошириш бўйича
қўшимча чоралар белгиланди.

ОҚҚЎРҒОН туманида коро-
навирус пандемияси тарқа-
лишининг олдини олиш ва фуқаро-
ларнинг соғлигини муҳофаза қилиш
бўйича брифинг ташкил этилди.
Тадбирда туман ҳокимининг
ўринбосари, "Коронавирус панде-
мияси тарқалишининг олдини олиш
бўйича" штаб раҳбари ҳамда мута-
ссадилар иштирок этишди.
Брифингда туман 16 июндан
"сарик" тоифадаги худудлар қато-
рига киритилгани таъкидланди, шу-
нингдек, карантин даврида амалга
оширилган ишлар юзасидан ҳисо-
бот берилди.

ОҲАНГАРОН туманидаги қорамол-
чиликка ихтисослашган "Курама
қорабайирлари" масъулияти чекланган
жамияти ташаббуси билан Нидерландия-
дан 61 бош насли қорамол олиб
келинди. Яқин кунларда чет элдан яна
429 бош зотдор қорамол келтириш режа-
лаштирилган.
Шунингдек, туманда қорамолчилик
ва қўй-эчкичиликни ривожлантириш мақ-
садида умумий қиймати 746 миллиард
598 миллион сўмга тенг бўлган (шундан
53 миллион 210 минг доллари хорижий
инвестиция) 30 та қорамолчилик комплекси
(17 та қорамолчилик, 13 та қўй-эчкичи-
лик) бунёд этилиши режалаштирилган.

Маҳалла илк ҳаётий тасавурумиз, онгу шууримиз, дунёқарашимиз, эътиқод ва тафаккуримиз шаклланадиган маскан. Ундаги ҳар бир оила, кўни-кўшни мисолида юрт тупроғининг муқаддаслигини, яқин кишиларимиздек азиз бўлиб қолган маҳаллошларимизнинг қайноқ тафтини ҳис қиламиз, уларга интиламиз.



Маҳаллада нима гап?

чиқариш корхонасига иш сўраб борган ёшлар билан суҳбатлашган, гоҳида эса қайнона-келини муроасага чақираётган бўлади. Хизмат юзасидан юртимизнинг кўп маҳаллаларида бўлишга тўғри келади. Тўғриси айтиш керак, жойларда эл-юртта фи-

АЁЛЛАРНИНГ БАРНОСИ, РАИСЛАРНИНГ АЪЛОСИ



тарадиган, юқорида ёзилган жавоби кўрмай, айни шу саволни гижимлайдиган қанча! Ажабки, Барнохон буларни ҳеч оғир олмайди, одамлар билан ишлашни билади, ҳеч кимни ноумид қилмайди. Кимга қаттиқ турмас, кимга сал юмшоқ гапирмас булмаслигини аниқ чамалайди! Маҳалла аҳли ҳам унга шунчалек меҳр қўйганки, бу ерга адашиб бориб қолсангиз, маҳалла раиси ҳақида бирор ноҳўя гап қилиб юрманг, олмасорлик йиғитлар нақ ёқангиздан олишади, раисингизга тил текизма, деб!

— Пандемия туфайли ҳамма карантинда уйда ўтиришга мажбур бўлди, — дейди туман кенгаши депутати Гулнора Тўхтаназарова. — Шундай синовали пайтда Барно Раззоқова ташаббуси билан маҳаллага пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманига қарашли алоҳа бўлими билан ҳамкорликда оптик толали интернет тармоғи олиб кирилди ва мадем тарқатилди. Ҳозирда маҳалланинг 70 фоиздан зиёд аҳолиси замонавий интернет тизимидан фойдаланмоқда. Бу, айниқса, ёшлар учун жуда кўл келди. Уйдан чиқмай масофавий ўқиш, давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш имкони яратилди.

— Синовли кунларда аҳоли ўзини йўқотиб қўймади, саросимага тушмади, — дейди Б. Раззоқова. — Аксинча, маҳаллодошлар янада жипслашди, бир-бирига ёрдам қилини чўзди. Саховатпеша инсон қилмайди. Кимга қаттиқ турмас, кимга сал юмшоқ гапирмас булмаслигини аниқ чамалайди! Маҳалла аҳли ҳам унга шунчалек меҳр қўйганки, бу ерга адашиб бориб қолсангиз, маҳалла раиси ҳақида бирор ноҳўя гап қилиб юрманг, олмасорлик йиғитлар нақ ёқангиздан олишади, раисингизга тил текизма, деб!

— Қачон қараманг, Барнохон доимо эл ташвишида юғриб-елиб юрган бўлади, — дейди маҳалла фаоли, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Моҳира Ходжаева. — Гоҳ ишлаб

докорона хизмат қилаётган раисларимиз кўп. Лекин, барибир, уларнинг ҳам айнан Барнохондек бўлишни жуда-жуда истардим... Айтганча, шунча ташвиши етмагандек, Барнохоннинг бировга билдириб-билдирмай шёър ёзадиган иқтидори ҳам бор экан, қаранг. У шоир бўлиш даъвосида эмас, маҳаллодошлари кўнглига малҳам бўлиш учун ёзади. У ҳар бир маҳаллодошнинг туғилган санасини телефони хотирасига киритиб қўйган. Кимгадир мақтов, кимгадир бир оз гинали шёърлар ёзиб, байрам ҳазиллари йўллаб, кўпчиликини тўғри йўлга солганини маҳаллодошлар кўп кўришган экан. Маҳаллодошларнинг таваллуд кунларида ўзига мос ва хос қилиб шёърий табриклар йўллаб, уни мессенжерда эълон қилиб ҳамманинг кўнглини олишга интиладиган Барнохон мана, бугунги шёърини табаррук ёшмини нишонлаётган маҳаллодоши Сотиболди акага бағишлабди. У шёърни юбилейларнинг кенжа келини тилидан битишни маъқул кўрибди. Кенжа келиннинг қайнотасини мақтаб айтган гаплари шортрабат Барно Раззоқовага илҳом берган бўлса ажабмас.

Аллома АЗИЗОВА
/Тошкент ҳақиқати/

КЎРГАН БОШҚА ЭШИТГАН

Аммо, шунга қарамай, 2020 йил 11 май ҳолатига кўра, 594 та объект ноқонуний деб топилган ва 24 та мана шундай ноқонуний тарзда қурилган уйларнинг эгалари судга чақирилганида келишмаган, 8 та жиноят иши кўзгатирилган. Бузилаётган уйларнинг аксарияти қалбаки ҳужжат асосида қурилгани асослаб берилган.

Хабарингиз бор, Бўстонликни туризм учун энг қулай, хавфсиз ҳудудга айлантириш борасида катта ишлар қилинаёпти. Натижада, ҳудудга сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Бундан, аввало, шу ердаги аҳолига фойда. Маълум тўлов эвазига сайёҳнинг хизмати, чойини қилиб беради. Аммо йўл четларида, дарё бўйида, кучли электр қуввати ўтган нуқталарда қурилиш қилиш мумкин эмас. Ҳолатни ўрганиш мобайнида электр сими ўтган жойда ҳам, йўлнинг четиди ҳам қурилишлар қилинганга гувоҳ бўлдик. Одамлар ҳатто юришга йўлакча ҳам қолдирмай, уйларига қўшиб олишган.

Унча бўлган уйларнинг барчаси ҳужжатлаштирилган.

— Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 20 млн. гектар ер бўлса, шунинг 20 фоизи суғориладиган ер ҳисобланади, — дейди вилоят прокурори Салом Самадов вазиятни шарҳлаб. — Ўрмон ҳўжалигининг ери бўладими, қишлоқ ҳўжалигиникими, фақатгина руҳсат берилган ерларда қурилиш қилиш мумкин. Қонунчилигимизда агарда мана хавфсиз ҳудудга айлантириш борасида катта ишлар қилинаёпти. Натижада, ҳудудга сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Бундан, аввало, шу ердаги аҳолига фойда. Маълум тўлов эвазига сайёҳнинг хизмати, чойини қилиб беради. Аммо йўл четларида, дарё бўйида, кучли электр қуввати ўтган нуқталарда қурилиш қилиш мумкин эмас. Ҳолатни ўрганиш мобайнида электр сими ўтган жойда ҳам, йўлнинг четиди ҳам қурилишлар қилинганга гувоҳ бўлдик. Одамлар ҳатто юришга йўлакча ҳам қолдирмай, уйларига қўшиб олишган.

Айнан Бўстонлик туманининг шундай гўзал манзаралари бўлгани учун биз Франция, Германия ва Туркия давлатлари билан фикр алмашган ҳолда бу ерда катта туристик зона қурмоқчимиз. Сабаби, оддий одамлар бу ердаги қиммат дачаларга



кела олмайди. Биз шу томонларни уйлаган ҳолда 3-4 қаватли отеллар қуришни режалаштиряпмиз.

Пресс-тур якуни бўйича фикр ва таклифлар билдирилди, мутахассислар томонидан кўриб чиқилиши айтилди. Журналист ва блогерлар ҳудудма-ҳудуд юриб, ноқонуний қурилмалар ортдан вужудга келган реал вазиятни ўз кўзлари билан кўришди ва муносабат билдиришди.

К. САЛОМОВА
/Тошкент ҳақиқати/

Муносабат

Бизнинг Асомиддин исмли амакимиз бўларди, бувамнинг айтишларича эл орасида Асом бува, деб донг таратган бу инсон ишнинг кўзини биладиган, айни пайтда қаттиқ меҳнат қиладиган киши бўлган. Унинг оиласи томорқасидаги деҳқон-

чилик ва шахсий чорвачиликнинг орқасидан бадавлат яшаган. Хонободда биринчи шахсий енгил машинани шу хонадон минган, икки қаватли уй қуришни улар бошлаб беришган, ўзидан орттириб, мухтожларнинг қорихайрига ҳам яраган.

Аммо, ҳаётда одил ва тўғриси бўлган Асом бува ёрдам сўраб мурожаат қилганларга ўзининг шартини қўйган. Яъни, томорқасига экин экиб ҳосилини кутаётган, оғилдаги қозғида моли бўлганларгагина ёрдам қилган. Бунинг акси бўлса, яъни томорқасини қаровисиз, оғилни чорвасиз қолдирганларга рад жавобини берган. У киши "Ким камбағал?", деган саволга дангалига: "Дангаса, ишқамас ва ношуд камбағал, бундан кейин ҳам очор яшайди", деб жавоб берган экан...

2020 йил 19 июнь кuni ўтказилган Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида Сенат раиси Танзила Норбоева биринчи маротаба Ўзбекистонда рўйхатга олинган 7 миллион 192 минг хонадондан 300 мингдан зиёди (4,1 фоизи) эҳтиёжманд оила экани аниқланганлигини маълум қилди. Сўзидан давом этиб, пандемия туфайли кам таъминланган оилалар аҳоли янада мураккаблашгани учун ҳозирда энг камбағаллик даражасида яшайётган ана шу 300 минг оилани вазиятдан чиқариш устида кизгин иш олиб борилаётганлиги ва уларни иш билан таъминлаш ҳамда доимий даромад манбасига эга бўлиши учун барча чоралар кўрилаётганлигини айтди.

Аслида бу борадаги тизимли ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодийтни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чоралар-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва шу фармон ижроси доирасида давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганда бошланган эди, десак тўғри бўлади.

Президентимиз бугунги пандемик вазиятда аҳолининг бу

қатламига кўмак бериш юзасидан тезкор чоралар кўриш кераклигини эътиборга олган ҳолда, жорий йил 9 июнь кuni миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда бунга алоҳида тўхта-

либ, янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодийта ўсиш суръатларини таъминлашда 8 та асосий йўналишни аниқ курсатиб ўтди. Бу йўналишнинг иккинчиси айнан камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш масаласи эътиб белгиланди.

Таъкидлаш керакики, бу курсатмалар асосида ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш ишлари мутлақо янги кўринишда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонлари ва ҳукумат қарорлари орқали нафақат аҳоли, балки тадбиркор ва кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чоралар белгиланмоқда. Мазкур ҳужжатлар шу жиҳатдан муҳимки, уларда нафақат камбағалликни қисқартириш, балки камбағалликни баҳолаш ва мезонларини белгилаш, «Истеъмол саватча»сининг минимум миқдорини ишлаб чиқиш вазифалари аниқ қилиб қўйилди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Амалдаги қўллаб-қувватлаш ва чекловлар қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилмоқда, тадбиркорлик билан шугулланиш имкониятлари янада кенгайтирилмоқда, улар қўллаб-қувват-

ланмоқда, ўзини-ўзи банд қилган шахсларга ҳам қўшимча имтиёзлар яратилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 июлидан ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш тартиби янада соддалаштирилди. Энди ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш

тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганлики тасдиқловчи код (QR-код) берган ҳолда махсус мобилъ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 67 тага кенгайтирилди ва бу йўналишда фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари даромад солиғидан озод қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, БҲМнинг камида 50 фоиз ҳажмида тўлайдиган бўлди.

Бу имтиёз ва имкониятлардан қанча одам фойдаланиб, манфатдор бўлаётганлигини тасаввур қилиш учун Олий Мажлис Сенати мажлисида таъкидланган битта рақамни келтириб ўтамиз. Бунинг натижасида ўтган даврда 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ва 8 миллиондан ортиқ фуқарога қарийб 30 триллион сўмлик имтиёз ва преференциялар берилди. Пан-

демия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича бошланган бундай хайрли ишлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом эттирилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Тошкент вилоятида 40 минг 474 та кам таъминланган ва эҳтиёжманд оила мавжуд бўлиб, улар ҳам бундай имкониятлардан четда қолмаётти. Айни кунларда мазкур оилаларнинг ишсиз аъзоларини иш билан таъминлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги ижтимоий очор оилалар «Саховат ва кўмак» умум-халқ ҳаракати доирасида 9 мингдан ортиқ хомий ташкилотларга бириктирилди. Пандемия шароитида 49

лар ортидан қувиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнглидан ишлаш керак», деган ақидасига амал қилинмоқда. Масалан, жорий йилда биргина Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кам таъминланган 28 минг хонадонга насли эчки, 50 минг оилага парранда, 100 мингасига насли куён тарқатиладиган бўлди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча ажратилган 992 миллиард сўм маблағни ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармасидаги 70 миллиард сўм қолдиқни мухтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий

рифи билан ҳукумат, барча вазирлик, идора ва ташкилотларнинг вакиллари жойларда уйма-уй юриб, кам таъминланган оилалар рўйхатини шакллантириб, уларни камбағалликдан чиқариш, тадбиркорлик билан шугулланишига имконият яратиш ишларини бундан чораларни кўрмоқда. Одамларни, одамлар бунинг қадрига етишяптими? Давлат томонидан амалга оширилаётган бундай кўламли ишлар, ажратилаётган маблағлар улар учун эканлигини ҳис қилишяптими? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бера олмаймиз...

Одамларимиз орасида шундай тоифадаги кишилар борки, улар иш йўқлигидан нолишади. Лекин, иш топиб берсангиз баҳона излайди, корингга ишлатгин, деб кўмак ажратсангиз «Менга кам теғди» дейди, томорканга экин деб ерини ҳайдаб, уруглигини берсангиз, ишловини қилмайди, чорвангни кўпайтир деб мол берсангиз, сотиб юборади. Бундай тоифадагилар бу ишларни гўёки, шундай бўлиши керакдай, қонуниятдай қабул қилишади. Буларни кўриб азобрийи ёқа ушлайсан. Аслида бугун камбағалликни бўйнига олаётганлар ишқамас, дангаса, имкониятлардан фойдаланишни истамаётган кимсалардир.

Руҳшуносларнинг фикрича, бой ёки камбағал бўлишига инсоннинг ўзи сабаби бўлар экан. Шунинг учун ҳам Фарб мамлакатларида соғ-саломат бўлиб, камбағал, қашшоқ яшайдиган одамга ҳеч ким раҳм-шафқат қилмайди. Нега дейсизми? Чунки, бундайларга ёрдам бериш жамиятнинг бузади, деб ҳисоблашади. Назаримда, бизда ҳам бундайларга ёрдам ва эътибор кўрсатиш билан бирга: "Ҳей, сен, нега бу аволга тушиб қолдинг? Шундай яшашдан уялмайсанми? Нега яхши яшаш учун берилаётган имкониятлардан фойдаланмаяпсан?" деб сўрайдиган пайт келди.

Зеро, бир томонлама ҳаракат билан камбағалликни тугатиб, муаммоларнинг ечимини топиб бўлмайди. Иккинчи тарафни ҳам ҳаракатга келтириш керак. Асом бува айтмоқчи, бунинг йўли битта. Дўппини бир четга олиб қўйиб, каллани ишлатиш, ақлни чархлаш ва меҳнат қилиш. Акс ҳолда, осмондан чалпақ кутиб ўтирганлар сони камаймайди.

Ю. ФАЗЛИДИНОВА

Камбағаллик айб эмас, лекин...



мингдан зиёд оилага жами 20,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам курсатилган бўлса, вақтинча ишсиз қолган 68 минг 274 нафар аҳолининг 44,5 мингдан зиёдининг бандлиги таъминланган.

Бундай сазй-ҳаракатлар замирида халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва уларга ҳар жиҳатдан бекаму кўст турмуш тарзини яратишдек эзгу мақсад мужассам. Айни пайтда бу борада Президентимизнинг "Бу синовли даврда рақам-

Ғалла – 2020

УРУҒЛИК ДОН ЕТИШТИРИШ АЛОҲИДА НАЗОРАТДА

Жорий йилда вилеятимизда 116 минг 100 гектар майдонда бошоқли дон экилиб, 853 минг 700 тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Бугдоязорларнинг 8 минг 904 гектарига уруғлик ғалла экилган бўлиб, захирага 29 минг 400 тонна уруғлик дон қабул қилиш кўзда тутилган.

Маълумки, 2020 йилдан бошлаб давлат томонидан дон етиштириш режасини белгилаш амалиёти тўлиқ бекор қилиниб, дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тadbирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган бугдой мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналарнинг талабга мос келадиган сифмларида шартнома асосида сакланиши белгиланди.

Маълумот ўрнида: вилеятимизда 412 минг тонна донни қайта ишлаш қувватига эга 19 та корхона (3 та дон корхоналари, 16 та хусусий секторда) мавжуд. Уларнинг кунлик ишлаб чиқариш қуввати 3 минг 200 тонна, йиллик қуввати эса 1 млн. 77 минг тонна ташкил этади.

Ғалла урими мавсуми давомида агроинспекция ходимлари туманда жойлашган дон қабул қилиш шаҳобчасида автотранспортларда топширилаётган донлардан намуналар тўғри олиниши, ўртача ва суткалик намуналар тўғри шакллантирилиши, сифати бўйича таҳлиллар тўғри ўтказилиши, китобларга ўз вақтида қайд этилиши ва намуналар тўғри сакланишини назорат қилиб боришяпти. Бундан ташқари, дон топширувчи хўжаликлар ва қабул қилувчи корхоналар ўртасида унинг сифати, олинандиган қадрига мос равишда ва миқдори бўйича юзага келадиган низоли масалалар жойида ҳал этилмоқда. Шунингдек, топширилган доннинг амалдаги сифати билан ҳисоб-китоб учун базис меъерлар қўлланилишида физик вазиинг ошиши ёки камайишига таъсир этувчи намлик ва ифлослик кўрсаткичлари бўйича низоли ҳолатларда фермер хўжалиги вакили билан лабораторияда сакланаётган суткалик намунани қайта таҳлил қилиб, аниқланган ҳақиқий сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда бугдой донини қабул қилишда O зDST 889:2015 давлат стандартининг талабларига мувофиқ, намлик, ифлослик, донли аралашма, натура, клейковина миқдори ва сифати, ранги, ҳиди, таъми, ялтироқлиги, зараркунандаларга қарши курашувчанлиги каби кўрсаткичлари устидан кундалик назорат ўрнатилган.

Қолаверса, доннинг сифати текширилиб, белгиланган талаблар бўйича қабул қилиниши, намлиги чегараланган меърдан (17 фоиздан) юқори бўлган ҳолатларда корхона ва шаҳобчалар ҳудудида ташкил этилган алоҳида майдонда топширувчи вакил иштирокида қуритилиб, кейин тарозидан ўтказиб топширилиши устидан назорат олиб борилмоқда.

Шунингдек, амалдаги йўриқномага асосан, уруғлик дон қабул қилиш шаҳобчаларида дон навларининг аралашиб кетмаслиги учун оралик масофага эътибор бериш ва алоҳида тўсик билан ҳимояланган майдончаларга дислокация бўйича қабул қилиниши ҳам назоратга олинган.

Мухтасар айтганда, олиб борилаётган савий-ҳаракатлар ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар фаолиятини ривожлантириб, ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мухайё ПАТТАЕВА,
Агроинспекция вилеят бошқармаси бош инспектори

Мавсум сабоқлари

ётган картошканинг асосий қисми ҳам такрорий экин сифатида экилади.

Энг муҳими, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида такрорий экинларни етиштириш учун сарфланадиган ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва уруғликдан тортиб, ишчи-ҳодимларга тўланадиган иш ҳақиғача бўлган сарф-харажатлар ҳисоблаб чиқилган. Масалан, туман миқёсида жорий йилда ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш, экишга тайёрлаш ва бошқа агротехник тadbирларни амалга ошириш учун 818 тонна ёқилғи-мойлаш минерал ўғит сарфланса, 3 минг 319 тонна уруғлик зарур бўлади. Бу даврда далада фермер ва деҳқонларга кўрсатиладиган техник хизмат учун 8 миллион 204 минг сўм ажратилди. Механизатор ва деҳқонлар 32 млн. 243 минг сўм миқдоридаги иш ҳақини ўз вақтида олишади. Чунки, бу манбаларнинг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобларга асосланган.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳати айтиб ўриш қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни оқилона ташкил этиш нафақат аҳолини мавсумий иш билан таъминлашга хизмат қилади, балки улар учун ишончли даромад манбаи ҳамдир. Таҳлил қилиб кўрайлик, жорий йилда туманда 7 минг 802 гектар майдонда такрорий экин етиштирилади. Бу ҳар бир ишловчига бир гектардан ер берилганда ҳам 7 минг 800 киши ишли бўлади, дегани. Агар бу ернинг орқасидан келадиган даромад оила рўзориға сезиларли мадад бўлишини ҳисобга олсак, масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ тушуниб етиш мумкин.

Пискентлик миришкорлар бу майдонларнинг 1 минг 200 гектарига сабзавот маҳсулотлари етиштириб, эл дастурхонига помидор, бодринг, сабзи, ош лавлага, шолғом ва бошқа резаворларни тортиқ қилишни мўлжаллашаётган бўлса, 100 гектарига полиз экинлари жойлаштирилади. 223 гектар майдонга экиладиган тезпишар ширин маккажўхориинг харидори ҳам тайин. Жорий йилда 1 минг 50 гектардан ортик майдонда етиштирилиши режалаштирилади.

Шунинг учун ҳам вилеят бўйича ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинлар экиш ва маҳсулот етиштириш учун ҳар бир туман ва ҳудуд ҳесимида масъул раҳбарлар бириктирилди. Улар томонидан деҳқонларга қандай ёрдам керак бўлса кўрсатилмоқда, муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, амалга оширилаётган бундай қўламли ишлар кўп эмас, икки-уч ой ўтиб ўзининг натижасини беради. Энг муҳими, бозорларимиз тўқилгани, демакки халқимиз ҳаётининг фаровонлиги таъминланади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Тошкент ҳақиқати

Вилеятимиз далаларида ўрим-йиғим якуний босқичда давом этмоқда. Ғалаба маррасини эгаллаган фермер хўжаликлари ниҳоятда оз қолди. Агар чуқурроқ таҳлил қилсак, бу йилги шароитда соҳада эришилаётган муваффақиятлар, олиб борилаётган тadbирларнинг иккита асосий сабаби ва омили бор...

Биринчиси, вилеятда етиштирилган ғаллани йиғиб олиш, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Ғалла ўрими мавсумига жалб қилинадиган барча техника воситалари соҳа мутахассислари томонидан икки-уч бор ўрганилиб, шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, кўшимча техникаларни жалб этиш, мавсумда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар ва бунга жавобгар мутахассислар белгилаб олинди. Ташкил этилган ўрим-йиғим отрядлари аъзоларининг юқори унум билан меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Шу мақсадда ўрим даврида ҳудудларда ташкил этилган штаблар 24 соатлик иш режимиға ўтказилди. Бу ўзининг натижаларини бермоқда, туманлардан ҳар кунги ғалла етиштирувчи кластер ва фермер хўжаликларидан ўз шартнома режасини бажарганлиги тўғрисида хушхабарлар келмоқда.

Масалан, пискентлик тажрибали деҳқон Г. Матёқубов раҳбарлик қилаётган "Агро Стимул техсервис" фермер хўжалигиға қарашли 65 гектар ерда деҳқончилик қилган ғаллакорлар уч иш кунда режани бажариб, давлатга 236 тонна сара дон етказиб беришди. Ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олишда комбайнчилардан Бахтиёр Норматов, Беҳзод Беков, Бахтиёр Расулов астойдил меҳнат қилишди.

Тумандаги "Мирзааҳмедов Собит" фермер хўжалиги ғаллакорлари эса икки иш кунда 205 тонна дон топшириб, шартнома режасини 20 тонна орғи билан бажарди. Эришилган натижада 122-отряд аъзолари ва комбайнчилар алоҳи-


да ғайрат кўрсатишди. Фермер хўжалиги бу йил ғалланинг ўзидан 300 миллион сўм соф даромад олишни мўлжалламоқда.

– Жорий йил кишлоқ хўжалиги учун ҳам бирмунча синовли келди, – дейди "Агро Стимул техсервис" фермер хўжалиги раҳбари Г. Матёқубов. – Лекин, табиат инжиқликлари ва пандемия билан боғлиқ қийинчиликларни

ташқари, эндиликда барча дон тайёрлов корхоналари ва ғаллачилик кластерлари кўшимча харид қилинадиган донни хўжаликлар билан келишилган нархларда шартнома асосида харид қилади. Буларнинг барчаси ғаллакорларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Сўзимизнинг бошида 2020 йил ғалла ўрим-йиғими мавсумининг иккинчи омили ҳақида ҳам тўхталиб ўтган эдик. Бу омил вилеятимизда ғалладан бўшаган майдонларга так-

Такрорий экин: элга ҳам, ерга ҳам фойда



рорий экинлар экишни оқилона ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлардир.

Очиги, бутун дунёда пандемия хавфи давом этаётган бу йилги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарблик касб этиб бораётганидан келиб чиқиб, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Урта Чирчиқ туманида вилеят фермерлари, масъул бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, тижорат банклари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда ҳам асосий эътибор ғалла ўримида бўшайдиган майдонлардан унумли фойдаланиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур картошка ва сабзавот маҳсу-


лотларини етиштиришга қаратилди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, вилеятда ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинлар экиш ва улардан мўлжалдаги ҳосилни олиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва барча ишлар ана шунга мувофиқ ташкил этилмоқда.

Хусусан, Пискент туманида жорий йилда етиштирилаётган 9 минг 100 гектар ғалла майдонининг қарийб 7 минг 802 гектарига такрорий экинлар экиш режалашти-



рилган. Пискентлик миришкорлар бу майдонларнинг 1 минг 200 гектарига сабзавот маҳсулотлари етиштириб, эл дастурхонига помидор, бодринг, сабзи, ош лавлага, шолғом ва бошқа резаворларни тортиқ қилишни мўлжаллашаётган бўлса, 100 гектарига полиз экинлари жойлаштирилади. 223 гектар майдонга экиладиган тезпишар ширин маккажўхориинг харидори ҳам тайин. Жорий йилда 1 минг 50 гектардан ортик майдонда етиштирилиши режалаштирилади.



Шунинг учун ҳам вилеят бўйича ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинлар экиш ва маҳсулот етиштириш учун ҳар бир туман ва ҳудуд ҳесимида масъул раҳбарлар бириктирилди. Улар томонидан деҳқонларга қандай ёрдам керак бўлса кўрсатилмоқда, муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, амалга оширилаётган бундай қўламли ишлар кўп эмас, икки-уч ой ўтиб ўзининг натижасини беради. Энг муҳими, бозорларимиз тўқилгани, демакки халқимиз ҳаётининг фаровонлиги таъминланади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Тошкент ҳақиқати

Абитуриент – 2020

Ёз фасли кириб келиши билан абитуриентлар учун энг машаққатли ва унутилмас кунлар бошланади. Улар йил(лар) давомида қанчалик қаттиқ тайёргарлик кўрсатинлар, имтиҳон олдида қанчалик ҳаяжон босиши, хавотир ва асабийлашиши табиий ҳол. Шу сабабли, ҳар бир абитуриент бўлажак синовлар олдида ўзини руҳан тайёрлаши ҳам муҳим. Шу мақсадда абитуриентлар учун бир қатор маслаҳатлар тайёрладик. Умид қиламизки, уларга рияз қилиб, имтиҳон вақтида ортиқча хатоларга йўл қўймайдилар.

ТАЛАБА БЎЛИШ СИРЛАРИ

● Вақтингизни тўғри тақсимланг. Имтиҳонларга тайёргарлик кўришда ўқув фанлари жадалвини қатъий тузиб олсангиз, шубҳий қолмайсиз ва ортиқча асабийлашмайсиз. Янги маълумотларни хотирага сақлаётганда миангизда кечувчи жараёнларни тасаввур қилинг: хотира икки хил бўлади — вақтинчалик ва доимий. Вақтинчалик хотираға мия пўстлоғи жавобгар бўлса, доимий хотира миангиз нисбатан чуқурроқ қисмида жойлашган. Маълумотлар доимий хотирада сақланганина имтиҳон вақтида ёрдам беради. Шу сабабли маълумотларни кўпроқ такрорланг ва доимий хотираға муҳрланг.

● Имтиҳонга тайёрланман, деб уйқудан воз кечманг. Соғлом уйқу саломатлик учун ниҳоятда муҳим. Уйқудан олдин эса энг қийин фандан тайёргарлик кўринг. Чунки уйқу вақтида, юқорида айтганимиздек, ахборотлар вақтинчалик хотирадан доимийсига ўтиш жараёни рўй беради.

● Тайёргарлик жараёнида вақти-вақти билан танафус қилиб туринг. Бу пайтда миангизни чақитинг — тоза хаводан нафас олинг, озроқ сайр қилинг. Дам олиб турсангиз, миангиз маълумотларни яхшироқ ўзлаштирадиган, диққатингиз жамланади, фикрингиз тиниқлашади ва ўзингизни тетик ҳис этасиз. Бироқ, дам олиш 15 дақиқадан ошиб кетмасин. Акс ҳолда дарс жараёниға қайтишга қийиналасиз.

● Овқатланиш тартибига қатъий риоз этинг. Фаст-фуд, ширинлик ва бошқа сунъий озиқ-овқатлардан воз кечиб, доимий хотира миангиз нисбатан чуқурроқ қисмида жойлашган. Маълумотлар доимий хотирада сақланганина имтиҳон вақтида ёрдам беради. Шу сабабли маълумотларни кўпроқ такрорланг ва доимий хотираға муҳрланг.

● Охириги кун тунгача имтиҳонга тайёрланишни тавсия қилмаймиз. Уйқусизлик ва чарчоқ натижасида мия маълумотлар оқимини назорат қила олмай қолиши мумкин. Шунин унутмангки, бир кунда кўп нарсани ўрганишга ҳар қанча уринманг, улгурмайсиз. Яхшиси, тайёргарликни аввалроқ бошланг ва бир кун қолганда миангизға дам беринг. Имтиҳондан олдин мириқиб ухланг, сайрга чиқинг, ўзингиз яхши кўрган овқатдан истеъмол қилинг.

Мадина АБДУСАМАТОВА
тайёрлади

Экин эккан мекин ер



Ўрта Чирчиқ туманидаги «Янгилик» маҳалласида яшовчи Зиёвуддин Давлетовнинг дарвозасига «Обод хонадон» деган ёзув илинган. Бу эътиборни ўқиган кўпчилик ҳавас қилади. Обод хонадоннинг меҳнаткаш аъзоларидан ибрат олиб, баракали, файзли иш бошлаганлар ҳам кўп.

Зиёвуддин аканинг ҳовлисига кирсангиз, райҳону гуллар, мева-сабзавотлар ифорида димоғингиз чоғ бўлади. Тажрибали деҳқон бу йил 9 сотих томорқасига тўрт марта экин экиб, мўмай даромад топмоқда.

– Эрта баҳорда бозорга қулпундай олиб чиқдик, – дейди Зиёвуддин ака. – Қулпунайдан бўшаган ерда сабзи ва жўхори етиштирдик, ҳозир картошка, бодринг экканмиз. Кечки қулпундай ҳам экиб қўйдик. Насиб қилса, гузгача ҳосилни олаверамиз. Президентимизнинг аҳоли томорқаларидан фойда-

ланиш самардорлигини оширишга доир яқинда чиққан қарори биз каби оилалар учун янги имкониятлар эшигини очади. Қарорда аҳоли томорқаларида етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун кичик ҳажмли совуғтичлар барпо этиш учун кредит ажратиш белгиланди. Биз шу имкониятдан фойдаланмоқчимиз.

А. МУСАЕВ,
ЎзА

Эълон

“ЎЗБЕККИМЁМАШ ЗАВОДИ” АЖННГ устав фондидаги 44,71 фоиз давлат акция пакети биржа савдоларига чиқарилди

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилеят ҳудудий бошқармаси “ЎЗБЕККИМЁМАШ ЗАВОДИ” АЖ устав фондидаги 44,71 фоиз давлат акция пакетини биржа савдоларига қўяди.

Савдоға чиқарилаётган давлат акция пакетлари тўғрисида қисқача маълумот: Давлат акцияларини эмитент устав фондидаги улуши – 44,71 фоиз; Савдоға чиқарилаётган акцияларнинг умумий сони – 6 268 080,0 (olti миллион икки юз олти миң саккиз миң саксон) дона оддий акция;

Акциялар пакетининг умумий бошланғич нархи – 68 962 679 734,0 (олти миң саккиз миллиард тўққиз юз олти миң икки миллион олти юз етти миң тўққиз миң етти юз ўттиз тўрт) сўм;

Савдо ташкилотчиси – “Тошкент РФБ” АЖ;

Потлар сони – 1 (бир) дона.

Давлат акцияларини сотиб олишни хоҳловчилар жорий йилнинг 10 августидан бошлаб “Тошкент” РФБнинг махсус платформаси орқали давлат акция пакетларини сотиб олишга ариза беришлари мумкин.

Давлат акция пакетларини биржа савдоларида сотиб олиш тартиби бўйича барча қизиқтирган савдоларни Агентликнинг инвестиция воситачиси ҳисобланган “Mulk Sar moyva Brokerlik Uyi” АЖга мурожаат қилиш орқали билиб олишингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилеят ҳудудий бошқармаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 114-уй.

Телефон рақами: (95) 340-80-10.

Электрон почта манзили: toshkent@davaktiv.uz

Веб-сайт: www.davaktiv.uz

Сотувчининг инвестиция воситачиси: “Мулк-сармойа брокерлик уйи” акциядорлик жамияти.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 107-уй.

Телефон рақами: 90 993-95-58.

Телефакс рақами: 0371 267-34-96.

Электрон почта манзили: msbu-depozitariy@mail.ru

Веб сайт: www.ndvakt.uz

Эмитент: “ЎЗБЕККИМЁМАШ ЗАВОДИ” АЖ

Фаолият тури: – нефть ва газ соҳаси учун ускуналар ишлаб (совуғтичлар) чиқариш.

Молиявий кўрсаткичлари:

№	Йиллар	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум (миң сўмда)	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг янги фойдаси (зарари) (сатр. 010-020) (миң сўмда)	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (миң сўмда)	Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар) (сатр. 220+-230) (миң сўмда)	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240-250-260) (миң сўмда)
1	2019 йил	107125049	13243665	42072932	2283262	1358672
	2018 йил	212408392	51686649	2036862	15312799	13806724
	2017 йил	16908393	13442026	43442026	9139579	8067945

Манзил: Тошкент вилеят, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 8-уй.

Маҳаллий ва хорижий инвесторлар диққатига!

Биржа савдоларида иштирок этишда ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидаги ишонч телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз: (0371) 259-21-37, 1082.

Томорқа – хазина

ҲИЛИГА УЧ МАРТА ҲОСИЛ ОЛАМИЗ



Нурафшонлик Фурқат Музаффархўжаев ер билан тиллашиб, томорқасидан катта даромад олиб, оиласининг фаровон яшашини таъминлаётти.

Фурқат ака деҳқончиликда катта тажрибага эга, соҳани миридан сиригача билади. У 35 йилдан бери хонадонда иссиқхона ташкил қилиб, помидор, бодринг ва турли хил сабзавотлар еттиштириб келади. Айна кунларда қип-қизил бўлиб пишган помидорлар бо-

зорларга пешма-пеш етказиб берилаяпти.

– Меҳнат қилган одам албатта, роҳатини кўради, – дейди Фурқат ака. – Шу томорқам орқасидан топган даромадмга ҳамма фарзандларимни олийгоҳларда ўқитдим. Томорқадан йилига уч марта

ҳосил олашимиз. Яқинда помидордан бушаган ерга бодринг экамиз, сўнгра салат баргю резаворларнинг навбати келади. Кўриб турганингиздек, йил бўйи еримиз ҳам, ўзимиз ҳам бўш турмаймиз.

Ўз мухбиримиз Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Бекободлик Севара Эшқобилова болагидан журналистикага қизиқади. Ҳали ўрта мактабни тамомламаган бўлсада, аллақачон танлаган касби бўйича бошланғич кўникмаларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Ешлар иттифоқи, Ешлар медиа маркази, "Менинг юртим" телеканали ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Еш журналистлар" мактабини тамомлаб, бир муддат "Менинг юртим" телеканали ҳамда Тошкент давлат аграр университети қошидаги "Умид" радиосида бошловчи сифатида фаолият юритди.

ОРЗУИМ ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШ

– Шаҳримиздаги журналистикага қизиққан 50 дан зиёд ешлар билан "Журналистика олами" клубини ташкил этганимиз, – дейди Севара. – Клуб аъзолари билан кўлдан келганча репортажлар тайёрлаймиз, мақолалар ёзамиз. Орзуим яхши ўқиб, қалами ўткир журналист бўлиш.

машғулот буйича қилган ҳаракатлари зое кетмади. У шу кунгача кўплаб танловларда фахрли ўринларни эгаллаб, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ешлар иттифоқи томонидан ташкил этилган "Еш журналист" лойиҳасининг шаҳар ва вилоят босқичида "Энг яхши аудио" номинация-

си буйича 1-ўринни кўлга киритган. Еш қаламкаш карантин даврида ҳам тиниб-тинчимаяпти. Дўстларини ҳам ўйлаб, ижтимоий тармоқда шахсий саҳифасини очди. Ҳозирда 3 минг дан зиёд обуначиларига қизиқари асарларнинг аудио варианты ҳамда ўз ижод намуналарини ҳавола этмоқда.



Бундан ташқари, у яқинда газетамизнинг @haqiqatonline телеграм каналда Ешлар кун муносабати билан эълон қилинган мақолалар танловига "Чекланган имкониятни чекага сурганлар" сарлавҳали мақоласи билан иштирок этиб, "Энг яхши мақола" номинациясида ғолибликни кўлга киритди.

Футбол

Ўзбекистон Суперлигасининг 7-тури доирасида бир нечта учрашувлар бўлиб ўтди. Қувонарлиси, бу турда вилоятимиз жамоалари ғалаба нашидасини суришти.

ИККИ ҲАЛАБА



Жумладан, ОКМК ўз майдонида Қаршининг "Насоф" жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида зафар кучди. Беллашувдаги гол-

ларга "қончи"лардан Санжар Турсунов ва Эркин Байдуллаев муаллифлик қилишган бўлса, "аждарлар"нинг ягона ғолини легионер Станович киритди. Бу натижадан сўнг олмалиқликлар турнир жадвалида анча юқорига кўтарилиб олишди.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси эса, меҳмонда "Буҳоро"ни 4:1 ҳисобида мағлуб этди.

Ўз мухбиримиз

Ар.лотун дик.мат.лари

Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай хузуур-халоватдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир.

Хеч ким аввалги амалларини қайтармайди. Чунки, тез орада яхши кунлар келишига ишонади. Инсоннинг ўз лигидан тубан кетиши жоҳилликдир, ўзликдан юқори бўлмоқ эса доноликдир.

Кулгисиз жиддий нарсаларни англаб бўлмайди. Умуман, идрокли бўлишни истаган инсон қарама-қаршиликни фақат қарама-қаршилик ёрдамидагина англаб олиши лозим.

Шоир – агар у ҳақиқий шоир бўлишни истаса, шунчаки фикр эмас, афсоналар яратмоғи лозим.

Ўтакетган жоҳиллик у даражада даҳшатли айб эмас, катта ёвузлик ҳам эмас. Нотўғри йўналтирилган билимдонлик ва бойлик унга нисбатан хавфлироқ ва жазога лойиқдир.

Яхши инсон ҳаётлик ҳолида ҳам, ўлимидан сўнг ҳам заволи топмайди.

Уммондан ДУР

– Ҳўш, аҳволинг яхшими?
– Мен яхшиман. Худди шохда базўр турган япроққа ўхшайман, тўкилишим учун шамолнинг секин эсиши киёф. Озимиз кампиршнинг овозига ўхшаб қолди, кўзларим эса бурунгидек оёқларимга йўл кўрсатмай қўйган. Қадарман оғир, ҳолдан тойганман. Лекин ҳаммаси жойида...

Жек Лондон
Майхона инсоният саодати ўлдириб сотиладиган, оилаларни барбод қиладиган кучли идора марказидир.
А. Л. Қозончи

Тирикчилик курсин, олти ойга деб келиб, баъзан икки йил қолиб кетаман.

Бир сафар қишлоққа борганимда отам янада қариб қолганини кўраман. Бир борганимда аёлимнинг сочига оқ оралаганини кўраман. Бир борганимда олдинги сафар кўрган одамларимни кўрмайман...

Энг ёмони, болаларимиз бизни кўрмай катта бўлишяпти. Борганимда кичкиналарининг танимай қолиши бошқаларга кулгили, менинг эса дилминни кемиради...

йўнчоқлар, ширинликлар билан ҳам "дада" дея тан олинмадим. Кўзи менга тушса тамом, йиғлайди, кет дейди. Опалари ва акиси дам-бадам мени қўчиб, "Ўзимнинг дадам", дея эркаланса, "Бу бегона одамга бунча осилишмаса, дегандай уларга ҳайрон қарайди.

Орадан уч-тўрт кун, ўтди. Қизчам ҳали-ҳамон менинг дада эканимни тан олмайди, шу ҳовлида юришимга ўрганмади. Нуқул менга бегонасираб қарайди. "Дада" деб тасаввур қилиб юрган одами сочларига оқ тушган қалп-катта одам бўлиб чиқишига

рибман. Бодомни кўлига яширдида, секин менга яқинлашди. Атайлаб бошқа тарафга қараб турдим.

– Эй, эй, қайси кўлимда, топчи?
Бирам тили ширин, эркалаб бағримга босгим келаяпти, аммо эшитмаган киши бўлиб, тесқари қараб туравердим.
– Эй, қайси кўлимда деяпман сенга, – дея жажжи кўлчаларини юзимга яқин олиб келди. Яна қарамайман. Сақиз ёшли опаси кўлини туттиб:
– Дада-дада, қайси кўлимда, топингчи? – дейди.

– Дадажон, сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сени яхши кўраман.
– Э, ўхшмадику, қизим? – дедим ёлғон араз билан. – Сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сизни яхши кўраман.
– Мени соғиндингми?
– Ҳа, соғиндим.
– Қайси кўзларинг билан?
Бармоқчалари билан аввал ўнг, кейин чап кўзларини кўрсатди:
– Мана шуниси билан, кейин буниси билан.

– Дадажон, сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сени яхши кўраман.
– Э, ўхшмадику, қизим? – дедим ёлғон араз билан. – Сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сизни яхши кўраман.
– Мени соғиндингми?
– Ҳа, соғиндим.
– Қайси кўзларинг билан?
Бармоқчалари билан аввал ўнг, кейин чап кўзларини кўрсатди:
– Мана шуниси билан, кейин буниси билан.

– Мана бу кўлингда, – дея унга дарров жавоб бераман ва сочини силаб, пешонасидан ўпиб, эркалайман: – Асал қизим, ўзимнинг қизим.
Ўғлимни ҳам эркалайман, "ўзимнинг ўғлим", деб мақтайман. Кичкина қизимга атай қарамайман. Қани, нима қиларкан?
– Эй, қайси кўлимда, қара, эй?
Акасига ва опасига жавоб берайяпман, унга қарамайяпман. Ёнимга яқинроқ келиб, муштчаларини сал қолса, кўзимга тегадиган қилиб туттиб, баландроқ гапирди:
– Эй! Эй, дада, қайси кўлимда? Эй, дада?!
Шартта бурилиб, икки кўлини баравар ушладим.
– Мана шу кўлингда!
У менинг ниҳоят, унга ҳам эътибор қилганимдан хурсанд бўлиб, қийқириб кула бошлади. Маҳкам қўчиб дедим:
– Менинг кичкина маликам, дадажон, де! Дадажон деб айт!
Жажжи кўлчалари билан бўйнимдан қўчиб:
– Дадажон, – деди.

– Дадажон, сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сени яхши кўраман.
– Э, ўхшмадику, қизим? – дедим ёлғон араз билан. – Сизни яхши кўраман, деб айт!
– Дадажон, сизни яхши кўраман.
– Мени соғиндингми?
– Ҳа, соғиндим.
– Қайси кўзларинг билан?
Бармоқчалари билан аввал ўнг, кейин чап кўзларини кўрсатди:
– Мана шуниси билан, кейин буниси билан.

Авал унисидан, кейин бунисидан ўпаман. Кейин юзларидан, кейин сочларидан...
Ана шундай қилиб, кичкина маликам билан келишиб олдик. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, менга шунақа ўргандики, мендан бир кадам ҳам айрилмайдиган, мени акиси ва опаларидан қизганидан бўлди.
Мана шундай файзли кунларда яқинда яна кетишим кераклигини, бунини кичкина маликамга қандай тушунтиришни ўйлайман. Кунни бўйи ортимдан эргашадиган, ҳатто кечалари бўйнимдан маҳкам қўчоқлаб ётадиган қизчамни қандай ташлаб кетаман.
Начора, рўзгор, тирикчилик. Шериклар Тошкентдан иш топшибди. Кичкина маликам билан хайрлашиш осон бўлмаслигини билганим учун у уйгонмасидан жўнаб кетдим.
Кутганимдек бўлди. Мени йўқотиб қўйган қизим аясини ҳам, акиси ва опаларини ҳам қийнаб юборибди. Нуқул мени

– Нима бўлди, кичкина маликам, мени соғиндингми?
– Жудаям-жудаям соғиндим, – ҳикиллади қизим.
– Қайси кўзинг билан?
– Буниси билан ҳам, буниси билан ҳам, – деди ёшли кўзларини кўрсатиб.
Чидай олмадим. Тонг саҳарда туриб, қишлоққа жўнадим. Тошкентда ишлаган вақтимда ҳар ҳафта уйга бориб турдим. Янги йил байрамини ҳам бирга ўтказдик. Аммо тўрт кун ўтиб, яна мусофирчилик тўрвасини елкамга илдим, Москвага учдим...
Уйдагилар билан ҳар кун кечкўрун "имо"лашиб тураимиз. Ҳар ҳолда қўришгандай бўла-мизда. Кичкина маликам мени телефонда кўрганидан бир кунлик воқеаларнинг ҳисобини



КИЧКИНА МАЛИКА

Мана, яна бир йил Москвада қолиб кетдим. Утган сафар икки йил ишлаб, кейин қишлоққа қайтандим. Келишимда олти ойлик чақалоқ бўлган кичкина қизчам салкам уч ёшга етган, бурро-бурро гапирадиган бўлибди. Ҳалигача унинг мени танимай қолганини гоҳ кулиб, гоҳ ранжиб эслайман.
Ярим кечаси уйга кириб бордим. Келишимни кутиб-кутиб ухлаб қолаётган ўғлим ва катта қизларим эшикдан киришим билан тура солиб, бўйнимга осилишибди. Кўзларда ёш билан дийдорлашдик, ахир икки йилдан ортиқ кўришмагандик-да.
"Дадам қачон келади", дея илҳақ бўлиб, ухлаб қолган кичкина қизимни ҳам уйғотдик.
– Дада келди, тур! – дея опаси турткилаб уйғотгач, жойидан иригиб турган қизчам "дада-дада"лаб чор тарафга аланглайди, ёнидаги менга қарамайди.
Ахир, қизчам дадаси мен эканлигимни қайдан билсин?
– Кел, қизим, менман даданг, – дедим, бағримга босдим.
Аввал бегонасираб қараб турди, кейин бақириб йиғлаб юборди. Тилпирчилаб кўлимдан чиқиб, аясига осилди.
Хуллас, берилган совғалар,

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир:
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-743. 8 402 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Маъсул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тохир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaiqiqati@mail.uz | tt-tp@inbox.ru**

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтаининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир:
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ